

# «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга содиқ Муҳаммад Содиқ» китоби нашрдан чиқди



06:36 / 11.07.2018 4915

Ушбу ёднома китоб пайғамбарларнинг саййиди Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга бир умр содиқлик билан ҳаёт кечирган улуғ олим, фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ (1952–2015) ҳақларида замондошларининг хотираларидан иборат. Булар давримизнинг беназир олими, миллат ва умматнинг фаҳри, улуғ мужаддид, фақиҳ, муҳаддис, муфассир, мутафаккир, муршид, зоҳид, баркамол шахсият, гўзал инсоний фазилатлар соҳиби бўлмиш олимнинг сийрат ва сувратларига у зотни таниган-билган кишилар томонидан қаламга олинган ишонарли ва гўзал чизгилардир. Бутун умрини Аллоҳ таолонинг ҳақ динига, Унинг маҳбуб Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу

алайҳи васаллам келтирган рисолатни тарғиб қилишга баҳшида қилиб ўтган саодатманд инсоннинг ички ва ташқи дунёларини муҳтарам ўқувчиларимизга тўлароқ таништиришда ушбу китобнинг манфаатли бўлишидан умидворлик билан уни эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

**Тузувчи:** Аҳмад Муҳаммад Турсун

**Номи:** Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга содиқ Муҳаммад Содиқ

**Нашриёт:** «Hilol» нашриёт-матбааси

**Сана:** 2018 йил

**Ҳажми:** 256 бет

**ISBN:** 978-9943-5110-2-6

**Ўлчами:** 84×108/32

**Муқоваси:** қаттиқ

## **Мундарижа**

Сўзбоши

Аср алломаси

Ҳазрат билан ҳамнафаслик

Дин қайғусида ўтган умр

Устозлар устози

Менинг хотираларим

Муфтийлар мураббийи

Аллоҳ берган бахт

Ниятлари пок эди

Қатрада қуёш

«Барчамизнинг отамиз эдилар...»

Хотирдан ўчмас лаҳзалар

Унутилмас насиҳатлар

Фидойилик тимсоли

Иймоннинг вазни

Устоз билан ёнма-ён

«Олтин силсила»нинг ибтидоси

Ирфон мадрасаси мударрисси

Сўнгги учрашув

Дуонинг ижобати

Замондошлик саодати

Ихлосу илму амал

Одамийлик сабоғи

Яхшиларнинг яхшиси

Гўзал ўртак

Қалбдаги ўчмас из

Чорак асрлик қадрдонлик

Онажоним, волидаи меҳрибоним...

Эътироф

Мухлислар наздида

Марсия